



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

2 бет



## «...СЧАСТЛИВ ТОТ, ЧЬЕ БУДУТ ПОМНИТЬ ИМЯ»,

3 стр.



## НАСТАВНИЧЕСТВО – ДОБРАЯ ТРАДИЦИЯ

4 стр.

## Муносабат

# МУРОЖААТНОМА

## ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИККА УНДАМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни парламентга 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари бағишланган Мурожаатнома йўллади. Халқимиз, кенг жамоатчилик, айниқса, парламент аъзолари интиқ бўлиб кутган ушбу Мурожаатнома халқ вакилларининг олдида турган устувор вазифалар, режаларни ҳар томонлама батафсил ёритиб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Президентимиз 2020 йилни юртимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб номлашгани таъкид этар экан, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилда энг устувор вазифаларимиздан бири бўлишини алоҳида қайд этди. Бу мамлакат ва миллат тақдирини белгилаш, эртанги фаровонлигимизни таъминлашдек улкан масъулиятли вазифа замонавий рақамли билимлар ва ахборот технологияларини пухта эгаллаган, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича етук малакага эга ёшларимизнинг чекига тушяпти, дегандир. Дарҳақиқат, барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бораётган бугунги кунда давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш бизга юксалишининг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради, халқимиз турмушини кескин яхшилайд.

Мурожаатномада ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Шу боисдан мурожаатномани бевоқифа кўрган ва эшитган ҳар бир инсон ўзига хос таассуротга эга бўлди, ўринли хулосалар чиқара олди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисида Мурожаатномасининг «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг кўп минг сонли меҳнат жамоаси ҳам тўғридан тўғри кузатиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида навбатдаги мурожаатномаларини тўғридан-тўғри, яъни онлайн тарзда кузатиб, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар, уларни самарали ечими бўйича аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани эътиборимни тортди, дейди корхонанинг "Нуроний" Кенгаши раиси Абдуллоҳи Артикаев. - 2020 йилнинг 24 январь санаси Ватанимизда жуда катта сиёсий воқеа содир бўлди. Президентимиз Мурожаатномада Ватанимизнинг бугунги, келажак ва барча фўқароларнинг эътиёжларини инобатда олинган муҳим қўлланма бўлди. Айниқса, биз - нуронийлар ҳақида ҳам қўллаб-самимий гаплар бўлди. Мурожаатномада 2020 йил аҳолининг ижтимоий таъминоти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳам белгилаб берилди. Жамиятда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар қаторида кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиб борасидеги таъкид бизни жуда қувонтирди. Энди улар учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар микдори ҳам қайта кўриб чиқилади. Бу борада қонуний асос яратилади. Бундан ташқари кексалар ибрати, кексалар маърифати ва юксак маънавияти ёшларга ўрнак ва намуна бўлиши лозим. Чунки илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади. Мактабга таълим, мактаб ва олий таълим, ундан кейинги билим ва илм олиш тизимлари, маънавият ва маърифат бўйича барча устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Юртбошимиз жорий йилда нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Рустам МАМАЖОНОВ  
тайёрлади.

## Буюк сиймолар

# АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 579 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



■ Ҳар йили Ватанимизда 9 февраль — буюк шоир ва мутафаккир бобоқалонимиз Алишер Навоий таваллуд санаси мамлакатимизда байрамона тарзда нишонланиши яхши анъанага айланган. Жорий йилда эса ушбу кўтулғу сана янада кўтаринкилик, ўзгача шухуҳ билан, адабиёт, маънавият, илм-маърифат, дўстлик айёми сифатида ўтказилди.

Неча асрлар ўтса ҳамки Алишер Навоий назм ва навода юлдуздек порлаб, жаҳонга доғруғ таратмоқда. Бу эса улғуғ бобомизнинг асарларида Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгуликни тараннум этгани билан боғлиқдир. Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижоди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўрин эгаллади. Унинг «Хамса», «Тарихи мулуки Аҷам», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Рисолаи муаммо», «Маҷолис ун-нафоис», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Насоим ул-муҳаббат», «Девони Фоний», «Тарихи анбиё ва ҳуқамо» каби бебаҳо мероси адабиётимизнинг маънавий бойлиғидир.

Буюк мутафаккир бобомиз ўз ижтимоий фаолияти давомида илм-фан эгаллаш, бадий ижод ва адабиётни ривожлантириш, масжид-мадрасалар қуриш аҳолини сув билан таъминлаш, солиқларни ен-

гиллаштириш, муҳтожларга моддий ёрдам бериш каби ишларни шахсан амалга оширган. Ул зотнинг ташаббуси билан бинолар қурилган, боғлар барпо этилган, ҳовуз ва ариқлар қазилган. Алишер Навоий қурдирган Халосия хонақоҳида муҳтож кишиларга озиқ-овқат ва кийим-кечак улашилган.

Ҳазрат Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги ибратли фаолиятини Ватанимизнинг бугунги оламшумул ўзгаришлари билан солиштирганда, Президентимиз ташаббуси билан Алишер Навоий орзу қилган эзгу ва олижаноб инсоний ғояларнинг амалдаги рўёбини кўраиб, Биргина Адиллар хикматидаги янги қурилишларни олайлик. Адиллар хикмати эндиликда Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий мажмуа ҳосил қилиши учун ишлаб чиқилган янги лойиҳа асосида саккиз гектардан зиёд ҳудуд қайтадан таъмирланиб, янада кўркам ва мутаносиб қиёфа касб этмоқда.

Ўз давридаёқ жаҳоншумул доғруғ қозонган Навоий бобомиз асарлари

бугун ҳам кўп тилларга таржима қилинмоқда, хорижий давлатларда нашр этилмоқда. Жумладан, "Уммондан дурлар. Фазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар" Йўлдош Парда, Л. Кметюк ва Қ. Маъмуров томонидан инглиз ва немис тилларида Германияда, "Фазаллар" китоби Муродхон Эргашев, Жан Жак Гате таржимасида Францияда, "Фарҳод ва Ширин" дostonи Украинада, "Мезо-ул авзон" асари, фазал ва рубоийлардан тартиб берилган китоби Венгрияда, "Лисон-ут тайр" дostonи Януж Кжижковский таржимасида Польшада, "Фарҳод ва Ширин" дostonининг Туркияда чоп этилган нашрини эса истеъдодли ижодкор Аъзам Обид инглиз тилига таржима қилган. Бироқ бу таржималар уммон томонидан тоқчиликдан ҳам кам. Асосий қилинадиган улғуғор ишлар ҳали олдинда. Алишер Навоий ижодини жаҳон миқёсида ўрганиш давом этади.

## ТАЙИНЛОВ

«Ўзкимёсанот» ациядорлик жамияти Бошқаруви раиси вазифасини бажариш Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзатом» агентлиги бош директори Жўрабек Турсунпўлатович МИРЗАМАХМУДОВга юқлатилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкимёсанот» АЖ раҳбар кадрларини лавозимларга тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзкимёсанот» АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажариш Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзатом» агентлиги бош директори Жўрабек Турсунпўлатович Мирзамухмудовга юқлатилди. Шунингдек, «Ўзкимёсанот» АЖ Матбуот хизмати Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг навбатдан ташқари мажлисида «Ўзкимёсанот» АЖ бошқаруви раиси Одил Шукурович Темировни эгаллаб турган лавозимидан озод этиб, ушбу жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари бўлишига тасдиқлаш, «Ўзкимёсанот» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Александрович Коржиковни эгаллаб турган лавозимидан озод этиб, ушбу жамият бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқлаш ҳамда «Ўзкимёсанот» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари Шавкат Раджабалиевич Набиевни бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масалалари кўриб чиқилишини маълум қилади. «Ўзкимёсанот» АЖ Матбуот хизмати.

■ «Кимёгар» маданият саройида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан «Буюк сиймоларга эҳтиром» номи адабий мусиқий тадбири ташкил этилди. Унда адабиётшунослар, шоирлар, корхонамиз ишчи-ҳодимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

## АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 579 ЙИЛЛИГИ, ЗАҲРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 537 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Мустақиллик йилларида юртимизда кечаётган изчил ислохотлар ва маънавий янгиланишлар жараёнида Навоий ва Бобур меросини чуқур ўрганиш, унинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ҳиссасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аждодларимиз асарларига тараннум этилган умуминсоний тушунчалар, ҳалоллик, поклик, одамийлик фазилатлари, юртни севиш, уни асраб-авайлаш каби ғоялар ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, юксак маънавиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилади. «Кимёгар» маданият саройида 14 февраль кунини бўлиб ўтган тадбирда сўз олганлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон маданияти, илм-фани, маърифати равнақиға муносиб ҳисса қўшган улғуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш,



улардан ёшларни баҳраманд этишга устувор аҳамият қаратилётганини таъкидлади. Тадбирда буюк бобоқалонларимиз қаламига мансуб фазал ва рубоийлардан намуналар

ўқилди. Улар асосида яратилган қўшиқлар ижро этилди. Адабий кечада маданият саройининг ижодий жамоаси томонидан тайёрланган дил тортар қўшиқлар ва гўзал рақслар намойиш этилди.

Инсон манфаати – устувор

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Ушбу жараён ҳар бир давлат ташкилотига қўшимча масъулият юклайди, ҳар бир раҳбарнинг халқ дарди билан яшашига, муаммолар ечимини излашига ундайди.

Бугун давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар моҳиятини англаган, зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган мутасадди борки, ўзи ёки ташкилоти ва аҳоли ўртасида юзага келган бўшлиқни тўлдирши, халқ билан яқин бўлишга интилиб, мулоқотнинг самарали усулларидан фойдаланмоқда. Асосий вазифаси халққа хизмат қилиш, уларни рози қилиш эканлигини ўйлаб фаолият кўрсатмоқда. Ва бу ўз самарасини бераётгани сир эмас. Одамларнинг давлат идораларига, раҳбарларга ишончи ортмоқда. Кимга, қандай тартибда мурожаат қилиш кўникмаси шаклланапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 28 декабрь кунини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонни имзолаган эди. Фармонга асосан бутун республикамиз бўйлаб Халқ қабулхоналари очилиб, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Корхонамизда ҳам ишчи-ходимлар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тизимли ишлар бажарилмоқда. Мурожаатлар билан ишлашда фуқароларнинг масалаларини жойида ҳал этиш, сарсонгарчилик ва муаммолар юзага келишининг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатларга нисбатан тезкорлик билан муносабат билдиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг учун фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб чиқиш борасида режали тартибда қабуллар ташкил этилиши йўлга қўйилди. Раҳбариятнинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жадвалига мурожаатлар вақтида ўрганиб, ҳал қилинишига эришилмоқда.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Корхона раҳбарияти томонидан белгиланган жадвал асосида 1135 нафар фуқаролар қабул қилинди. Мурожаатларнинг 33 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасидан, 24 таси юридик шахслардан, 1 таси "Farg'onaazot" АЖ веб-сайтига, 206 таси бевосита жисмоний шахслардан келиб тушган ва 871 таси оғзаки мурожаатларни ташкил этган. Шу жумладан уларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар тегишли мутахассислар иштирокида зудлик билан ўрганиб чиқилиб, қонунда белгиланган тартибда ҳал этилди ва асосли деб топилгани қаноатлантирилди.

Бундан ташқари раҳбариятимиз ишчи-хизматчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш, уларнинг шикоятларини атрофлича ўрганиш, ўйлантираётган масалалар ечимини топиш ҳамда ҳар бир мурожаатнинг илдизига етиб бориш мақсадида ишлаб чиқариш цехларида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Ишчи-ходимларнинг сайёр қабули чоғида дуч келаётган муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳолис ва очик ахборотлар олинди. Уларнинг бартараф этиш бўйича фикр ва мулоҳазалар ўрганилди ҳамда тегишли чоралар кўрилди.

Зеро, ишчи-хизматчиларнинг мурожаати, муаммоси ва уларнинг соҳа бўйича тақлифларини тинглаш ҳар бир тузилманинг муваффақиятли фаолият юритишининг асосидир.

Шерзод ДЖАХОНОВ, Ижро интизоми ва назорат бўлими бошлиғи.

Корхона фидойилари



Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида юртимизнинг барча соҳаларида сезиларли натижа ва ютуқларга эришилмоқда. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва янгиларини барпо этиш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш, аҳолининг ҳаёт даражасини оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик таъминланмоқда.

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосан кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород ҳомасёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Корхонамизда ҳам қарорга кўра, бир қатор амалий ишлар бажарилди. Ишлаб чиқаришга илғор ва замонавий технологиялар жалб этилди. Махсулот сифати ва ҳажминини ошириш,

ишлаб чиқаришда энергия тежамкорлига эриш борасида аниқ чора-тадбирлар асосида ишлар олиб борилмоқда. Буғ-қозон цехи корхонамизнинг ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутди. Мақоламиз орқали кейинги йилларда цехда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу ҳақда Буғ-қозон цехи бошлиғи Ҳасанбой Азларов тўхталиб ўтди. -Буғ-қозон цехига қарашли Сувни кимёвий тозалаш бўлими 1984 йилда ташкил топган. Сувларни кимёвий тозалаш бўлими карбамид ишлаб чиқариш майдонидаги барча асосий ва ёрдамчи цехларни бир маромда ишлаши учун чуқур тозаланган қисман тозаланган сув билан таъминлайди. Бўлим соатиға 421 м³ артезиан сувини қабул қилиб олиб 250 м³ кимёвий тозаланган сувни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ўтган йиллар давомида цех ишчи-ходимлари ўз билим ва кўникмаларини доимо ошириб

бориши натижасида бир қатор ютуқларга эришиб келинмоқда. Усуқналар бўйича цех бошлиғи ўринбосари Қаҳрамон Турсунов, механик Қодирли Мамахонов, бўлим катта устаси Қиличбек Хамидий, цех энергетиги Отабек Турдуматов, лаборатория устаси Соёя Идрисова, назорат ўлчов асбоблари устаси Асад Аҳмедов, цех бўлим аппаратчиларидан Валижон Солиев, Шавкат Турдубоев, Мирзохид Қодиров, Одилов Тулаковлар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатиб, уста-шоғирд аъёнларини давом эттириб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, энергияни тежовчи замонавий қурилмаларни татбиқ қилиш тўғрисидаги қарорлари, қолаверса, "Farg'onaazot" АЖ раҳбарияти ва етакчи мутахассисларининг сайё-ҳаракатлари натижасида 2015 йилда лойиҳани амалга ошириш учун

Ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини



техник шарт ишлаб чиқилиб, реконструкция ва модернизация шашла ишлари бошлаб юборилди. Жаҳон банки ажратган инвестицияси маблағлари ҳисобидан тендер асосида Исроил мамлакатининг GES GLOBAL Environmental Solutions корхонаси ютиб чиқди.

2018 йилда "Farg'onaazot" АЖ лойиҳачилари томонидан ишлар якунлангандан сўнг монтаж ишлари бошлаб юборилди. Янги лойиҳага кўра, техник сувни мембрана усулида амалга оширилаётган модернизация ишлари кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, юқори сифатли кимё махсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ишчи-ходимларнинг турмуш фаровонлигини ошириш омилидан бири бўлмоқда.

ишлаб чиқариш учун электр энергия сарфи соатиға 6,5 кВт дан 4 кВт га тушди. Кимёвий тозаланган сувни ишлаб чиқариш ҳажми 250 дан 375 м³ оширилди. Меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Қўл меҳнати камайди. Истеъмолчиларга берилаётган чуқур тозаланган сув сифати эски ҳолдаги лойиҳага қараганда ахширилди.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда корхонамиз ишлаб чиқариш цехларида амалга оширилаётган модернизация ишлари кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, юқори сифатли кимё махсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ишчи-ходимларнинг турмуш фаровонлигини ошириш омилидан бири бўлмоқда.

Инновацион ғоялар

# СОДА ЦЕХИ: ЯНГИЛАНИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Айни жараёнда "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида ҳам кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва тармоқни диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида бир қатор ишлар бажарилди. Бу борада сифатли кимё махсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий ва

илғор технологиялар ҳаётга татбиқ этилди. Корхонамиздаги Сода цехида ҳам махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, энергия тежамкорлигини таъминлаш мақсадида модернизация ишлари олиб борилди. Цехда замонавий, бошқариш учун қўлай, хом ашё сарфини тежовчи, туз-сизлантирилган сув олиш мақсадида замон талабларига мос келадиган Исроил давлатидан келтирилган Global Environmental Solutions

LTD (GES) компанияси томонидан қайта осмос (сувни биринчи босқичда тузсизлантириш) қурилмаси ўрнатилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилган тузсизлантирилган сувнинг таннархи 30 фоизгача арзонлашди. Электр энергия сарфи ҳам 20 фоизга камайди. Замонавий технологияларни ўрнатиш натижасида тузсизлантирилган сув олиш учун сарф бўладиган хом ашёларнинг иллик сарфи сўндирилмаган оҳак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги "Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган юқори кимёвий махсулотларни кенгайтириш борасида изчил ҳаракатлар олиб борилмоқда.

биноси фойдаланишга топширилган. Цех мутахассиси ва муҳандисларининг машаққатли меҳнатлари туфайли 1982 йилда соатиға 210 м³ сувни тузсизлантириб берадиган 226 М биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Сода цехининг 226 биноси "Аммиак-3" цехини соатиға 210 м³, лорат натрий ва лорат магнийли дефолиант ишлаб чиқариш цехини соатиға 4,33 м³ ҳамда целлюлозаларнинг мураккаб эфирлари ишлаб чиқариш цехини соатиға 300 м³ тузсизлантирилган сув билан узлуқсиз таъминлашга мўлжалланган.

Цехда чуқур тузсизлан-тирилган ва юмшатирилган сув, истеъмол содаси, каустик содасини сувли эритмаси, мебель елими КФ-Ж, КФ-МТ-15, полимер реагентлар ГИПАН ҳамда АЭРОФЛОК, алюминий хлориднинг кристалгидрати ишлаб чиқаришда цех бошлиғи Холдорали Маҳмудов, технология бўйича бошлиқ ўринбосари Баҳромжон Тожматов, усуқналар бўйича бошлиқ ўринбосари Алишер Мухторов, 226-бино бўлим бошлиғи Абдурашид Мамадиев, цех механиги Иброҳимжон Матмуоев, цех энергетиги Қудратилло Охунов, НУА ва А катта устаси Олғас Смирнов ва цехнинг қолган барча ишчи-ходимлари жонбозлик кўрсатиб, қурилмаларни

мукаммал ишлаши учун улкан ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар, – дейди цех муҳандис-технологии Сардорбек Мўйдинов. - Цехимизда янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 2010 йилда истеъмол содаси ишлаб чиқариш қурилмаси ишга тушди. Қурилма кунига 3 тонна истеъмол сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Истеъмол содаси ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришда қурилма бошлиғи Нуриддинжон Мўминовнинг хизматлари катта бўлди. Унинг сайё-ҳаракатлари билан ҳозирги кунда кунлик истеъмол содасини ишлаб чиқариш 7 тоннага оширилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Нуриддинжон Мўминовнинг қўл остида қўлпаб шо-гирдлар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда цех бошлиғи, ёрдамчилари ва қурилма бошлиғи Нуриддинжон Мўминов ва унинг шоғирдлари Дилмурод Ҳамдамов, Исроилжон Ибрагимов, Абдуҳаким Сайфутдинов ва Бунёдхон Абдусаматовлар томонидан кунлик ишлаб чиқариш ҳажминини 9 тоннага олиб чиқиш ва махсулот таннархини тушириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётгани эътиборга сазовордир.

Руслам МАМАЖОНОВ.

# Касбига содиқлик меҳнатда намоён

"Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида ўзининг кўп йиллик меҳнати, самарали фаолияти, билими, иш тажрибаси билан касбдошларига, аҳил жамоасига, айниқса ёшларга ибрат намунасини кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи ходимлар борки, уларнинг меҳнати барчага бирдек доимо ибрат бўла олади.

Заводнинг кислота ишлаб чиқарувчи цехида фаолият кўрсатиб келаётган Иброҳимжон Мамасодиқов ҳам ана шундай ўз касбининг устаси саналган фаол ходимлардан биридир. 1964 йил 15 январда Фарғона шаҳрида таваллуд топган Иброҳимжон ака 1986 йили Фарғона Политехника институтининг механика факультетини тамомлаб йигитлик бурчини адо этиш учун ҳарбий хизматга йўл олади. Хизматдан сўнг, ўз мутахассислиги асосида

1988 йили бугун сеvimли жамоасига айланган завод қошидаги САРЭ корхонасига уста лавозимига ишга келади. Жамоадаги меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги сабаб раҳбарият Иброҳимжон Мамасодиқовни заводнинг АХКО бўлимига компрессерларни таъмирлаш бўйича меҳаник лавозимига ишга тақлиф қилишади. 2004 йилда АК-72М цехига механик, 2008 йилдан эса цех бошлиғини жиҳозлар бўйича ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

Иброҳимжон Мамасодиқовнинг сайё-ҳаракатлари, меҳнатлари туфайли 2015 йилда КМА-2КМА-5 агрегатларига модернизация қилинди. Бу билан махсулот ҳажми ошди, энергия тежамкорлигига эришилди. Ҳозирда И.Мамасодиқов фаолият кўрсатаётган цехда 152 нафар ишчи меҳнат қилиб келишмоқда. Улар орасида 30 га яқин ўз касбининг моҳир усталари устоз шоғирд аъёнасига мувофиқ фаолият кўрсатиб 40 дан зиёд шоғирдларни етиштиришди.

Ушбу касбга бўлган меҳр-муҳаббат болалиқдан бошлан-иб, яъни ота касбини ўрганган қаҳрамонимиз корхонада узок

йиллар фаолият кўрсатиб, жамоада юксак ҳурмат эътибор қозона олди. Оилада ҳам намунали ота, набираларга меҳрибон бобо бўлиб, оиласи бағрида бахтли ва фаровон турмуш кечираиб келмоқда. 3 фарзанд, яъни 2 ўғил бир қизни тарбия-ляб вояга етказиб, уларни олий маълумотли қилди. Ўғил қизлари бугун жамиятимизнинг турли жаҳаларида меҳнат қилиб келишмоқда. Дарҳақиқат инсон ҳаётда умр кечирадиган, унинг амалга оширадиган эзгу ишлари доимо ҳаёт йўларини ёритиб туради. Шижоат, куч ғайрат ва меҳнатга садоқатлик унинг умрига файз ва барака олиб қиради.

# ...ВОСПРИНЯТ С БОЛЬШИМ ВООДУШЕВЛЕНИЕМ

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев направил в парламент Послание об итогах 2019 года и приоритетах социально-экономического развития страны на 2020 год. В Послании, вызвавшем огромный интерес у всего народа, подробно описаны основные направления деятельности и приоритеты на текущий год.

Глава государства предложил объявить 2020 год «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики». При этом Президент подчеркнул, что активный переход к цифровой экономике будет одним из приоритетов страны на ближайшие 5 лет. Это означает, что огромная ответственность за определение судьбы страны, за обеспечение благополучия и процветания ложится на молодое поколение, хорошо разбирающееся в современных цифровых знаниях и информационных технологиях.

Действительно, с глубоким проникновением информационных технологий во все сферы, широким внедрением цифровых технологий в социальную сферу, переход к цифровой экономике позволит нам идти по кратчайшему пути роста и улучшить жизнь нашего народа.

В Послании говорится о мерах, осуществленных в прошлом году, приоритетах на текущий и будущие годы, основные цели внутренней и внешней политики страны, а также актуальные законодательные инициативы.

Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису с большим интересом ознакомился трудовой коллектив АО «Farg'onaazot».

Послание Президента Шавката Мирзиёева Олий Мажлису в режиме

онлайн, привлекло внимание буквально каждого жителя нашей страны. В нем большое внимание уделено проблемам и недостаткам во всех сферах жизни страны, а также даны четкие и ясные решения их, - говорит Абдулбоки Артиков, председатель Совета «Нуроний». - Послание Президента от 24 января 2020 года наши люди восприняли как большое политическое событие. Послание - важное заявление, касающееся настоящего и будущего нашей страны, потребностей всех граждан. В нем внимание уделено и деятельности «Нуроний», о котором сказано много теплых слов.

В Послании изложены основные задачи, которые должны быть выполнены в 2020 году, в том числе по социальному обеспечению. Нас очень порадовало предложение создать целостную и эффективную систему работы с пожилыми людьми, включая одиноких пожилых людей, и их социальной поддержке. Примечательно, что теперь сумма социальных выплат, выделенных для них, будет пересмотрена. В связи с этим создана правовая основа. В Послании говорится, что образование и высокая духовность пожилых людей должны служить примером для молодежи. Ибо там, где нет знаний, есть отсталость, невежество и, конечно же, заблуждение. Четко определены приоритетные направления в сферах дошкольного, среднего

общеобразовательного и высшего образования, системе дополнительного образования. Глава нашего государства подчеркнул, что «в этом году мы создадим целостную и эффективную систему работы с пожилыми людьми, в том числе одинокими пожилыми людьми».

В Послании также отражена стратегия страны на ближайшее будущее. Затронуты вопросы, начиная с цифровой экономики и заканчивая предоставлением жилья для каждой семьи. Нас воодушевил тот факт, что интересы граждан и общественности обозначены приоритетными, - говорит начальник цеха по производству аммиачной селитры Азизбек Ахунджанов.

Послание Президента Олий Мажлису вызвал у всех нас настоящее воодушевление. И мы поставили перед собой цель - увеличить экспортный потенциал нашего предприятия, экспортировать товары, которые конкурентоспособны на внешнем рынке. И, чтобы достичь этого, мы прилагаем все усилия. Глава нашего государства говорил также о развитии АО «Узкимсаннаот». Он отметил, что за счет привлечения инвестиций, будет вдвое увеличено производство азотных удобрений, а также аммиака, карбамида и селитры.

Наш цех в основном производит ам-

миачную селитру, суперфосфатные удобрения, фосфорные удобрения и натрия нитратное сырье. В ответ на Послание, мы будем стремиться к дальнейшему развитию нашего предприятия, увеличению производства и качества выпускаемой продукции.

В каждом выступлении глава нашего государства особое внимание уделяет проблемам молодежи и, в особенности вопросам ее воспитания и образования, - говорит молодой специалист отдела ИКТ Шахриер Исамидинов. - В Послании Президента выдвинут ряд новых инициатив, касающихся решения насущных проблем современной молодежи и, прежде всего, образования. В частности, затронуты такие важные вопросы, как удвоение государственных грантов, распределение грантов для девушек и сокращение числа предметов, не относящихся к специальности в высших учебных заведениях, увеличение охвата выпускников школ высшими учебными заведениями на 25%, перевод национальной системы тестирования на родной язык, завершение программы по подготовке 1 млн. программистов. Создание благоприятных условий и возможностей для молодых людей, которые хотят учиться, внедрение ряда преимуществ в реализации научных исследований и инновационных идей и разработка Концепции «Молодежь Узбекистана до 2025 года».

Мне было приятно узнать обо всех этих изменениях, касающихся молодежи. Молодежь нашего предприятия широко поддерживает инициативы нашего Президента, отраженные в Послании Олий Мажлису. Горды тем, что нас, представителей молодого поколения, ожидают большие позитивные перемены.

## Вечер поэзии

# «...СЧАСТЛИВ ТОТ, ЧЬЕ БУДУТ ПОМНИТЬ ИМЯ»,

писал Алишер Навои. Прошло более пятисот лет после смерти великого поэта, но мир помнит и преклоняется перед его гением. Помнит мир и приносит дань уважения Захриддину Мухаммаду Бабуру.



Каждый год в феврале мы широко отмечаем дни рождения двух великих людей - поэта, мыслителя и государственного деятеля Алишера Навои и Захриддина Мухаммада Бабура, поэта, полководца, правителя. Во Дворце культуры «Кимёгар» состоялся вечер поэзии под названием «Буюк сиймонларга эхтиром», посвященный этим двум знаменательным датам.

Приглашенные на вечер поэты читали стихи, литературоведы рассказывали о жизни и творчестве Навои и Бабура, акцентируя внимание слушателей на интересных и малоизвестных фактах.

